

Сийрат дарслари (112-дарс). Ойни кўриб рўза тутинг ва очинглар!



13:00 / 27.11.2020 4396

439. Зайд ибн Холид Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким рўзадорни ифтор қилдирса, унга унинг ажрича ажр бўлади. Шу билан бирга рўзадорнинг ажридан ҳеч бир нарса кам бўлмайди»**, дедилар».

Термизий, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

440. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ойни кўриб, рўза тутинглар. Ойни кўриб, рўзани очинглар. Агар (ой) сизлардан булут билан тўсилиб қолса, ўттиз кун рўза тутинглар»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

441. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Мен ҳилолни кўрдим», деди. **«Лаа илааҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик берасанми?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Муҳаммад - Аллоҳнинг Расули» деб гувоҳлик берасанми?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Эй Билол, одамларга эълон қил, эртага рўза тутсинлар»**, дедилар.

Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Жоруд, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

442. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Одамлар оғиз очган куни Фитр (ҳайити)дир. Одамлар қурбонлик қилган куни Қурбон (ҳайити)дир»**.

Термизий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан